

УЎК: 821.512.133 (092)

КБК: 83.3 (5Ў)1

А - 15

Алишер, Навоий

«Лисон ут-тайр». Сўзбоши, табдил ва изоҳлар муаллифи Манзар Абдулхайр ва Абдуҳамид Пардаев. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 544 б.

ISBN 978-9943-20-604-5

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари матнини ўрганиш унинг ҳаётлик чоргаридаёқ бошлаб юборилган эди. Бу анъана эндиликда ҳам давом этаётир. Айни маънода ушбу табдилда илк бор шоир асарларининг матний тадқиқ қилинмаган жиҳатлари қайта ўрганиб чиқилган. Энг муҳими, унда улуғ шоирнинг «Лисон ут-тайр» асари илк бор ҳам янгича насрый, ҳам шеърий табдил қилинди. Бу тарз улуғ шоирнинг ушбу фалсафий-тасаввифий асари моҳиятини соддалаштириб кенг китобхонларга тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Табдил адабиётшунос, тиалшунос, шарқшунос, матншунос ва барча мумтоз шеъриятимиз муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133 (092)

КБК: 83.3 (5Ў)1

Сўзбоши, табдил ва изоҳлар муаллифи

Манзар Абдулхайр, Абдуҳамид Пардаев

ISBN 978-9943-20-604-5

© Алишер Навоий. «Лисон ут-тайр». Янги аср авлоди», 2019 йил.

Сўзбоши, табдил ва изоҳлар муаллифи Алишер Навоий. Улуттуба ўзига хос матний тадқиқ этиш ўсулларидан кенг фойдаланиб келинганлиги таҳсинга лойик. Зоро, улуғ шоир асарларини матний тадқиқ этиш ўсуллари, энг аввало, матншунослик тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қиласди:

Сўзбоши

Алишер Навоий асарлари матнини муфассал ўрганиш ўсуллари бундан анча бурун бошланган. Шу пайтгача Навоий асарлари матнини ўрганишда ўзига хос матний тадқиқ этиш ўсулларидан кенг фойдаланиб келинганлиги таҳсинга лойик. Зоро, улуғ шоир асарларини матний тадқиқ этиш ўсуллари, энг аввало, матншунослик тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қиласди:

1) Навоий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини тузиш ва шу асосда тўлиқ шарҳлар билан таъминланган шоир асарлари илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш учун;

2) бу борадаги илмий текширувлар шоир асарлари матнини ўрганиш юзасидан олиб бориладиган назарий характердаги илмий тадқиқотлар учун ҳам асосий омил вазифасини ўтайди. Айни шу маънода қуйида Алишер Навоий асарлари матнини ўрганишнинг ана шундай айрим матний тадқиқ этиш ўсуллари, аниқроғи, назмий матнни насрый баёнлаш ўсули («Фарҳод ва Ширин» достони асосида) – мезони хусусида фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Шуни айтим жоизки, Навоий асарлари матнини илмий ўрганишда амалга оширилган дастлабки тадқиқот ишлари, асосан, 1938 йилдан бошланган эди¹. Унгача факат 1928 йили нашр этилган «Ўзбек

¹ Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: ф.ф.д. ...дисс. – Т., 1969. – Б. 1.

адабиёти намуналари» тўпламидан бошқа кўзга кўринарли бирор-бир тадқиқот иши мавжуд эмас эди. Эътироф этилганидек, 1938 йили Навоий анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш муносабати билан шоир асарлари матнини нашр этиш, яъни «Хамса»ни насрый ифода, изоҳ ва лугатлари билан нашрга тайёрлаш ишлари йўлга кўйилди. Навоий юбилейини ўтказувчи маҳсус комиссиянинг аъзоси бўлган академик Faфур Fулом тайёргарлик ишларида фаол иштирок этади. У «Фарҳод ва Ширин» (1940) достонини насрый баёнлаш усули билан лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувидаги нашрга тайёрлайди. Бу ҳақда таниқли матншунос олим Порсо Шамсиев шундай ёзади: «Бу текстологик усул ўша даврда янгилик бўлиб, у қабул қилган принцип асосида шоирнинг бошқа асарлари ҳам насрый баёни илова қилинган ҳолда нашрга тайёрлана бошланди». Дарҳақиқат, бу матний тадқиқ этиш усули, яъни достоннинг замонавий насрга ўғирилиши 20–30-йиллар ўзбек навоийшунослигининг ўзига хос янги бир соҳаси бўлиб қолди². Шоирнинг бу фаолиятини айрим адабиётшунос тадқиқотчилар шундай баҳолайди: «Faфур Fуломнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини нашрга тайёрла-ганлиги, шубҳасиз, ўзбек текстологияси фанига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, бу факт Faфур Fуломни биринчи ўзбек текстолог олимлари қаторига қўяди»³.

Шарқ қўлёзма матнларини ўрганиш усулидаги бу оригиналлик, айниқса, Навоий асарлари матни бўйича F. Fулом олиб борган тадқиқот ишларида яққол намоён бўлади. Шоир эришган бу ютуқлар

² Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т., 1997. – Б.53.

³ Равшанов А. Faфур Fуломнинг адабиётшунослик фаолияти //Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. -№4. – Б.28.

нафақат унинг шеърий салоҳияти билан, балки ўз даврида ҳамнафас бўлган Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, А.К.Боровков каби олимларнинг навоийшуносликка бағишлиланган тадқиқот ишларидан боҳабар бўлганлиги билан ҳам характерлидир. Шунингдек, шоирга Навоий асарлари матнини теран англаш ва чуқур шарҳлашда туркий ҳамда эски ўзбек ёзувининг имловий, хаттий хусусиятларини билиш баробарида араб, форс тилларини талаб даражасида пухта билганлиги ҳам қўл келди. Чунончи, матний тадқиқ этишнинг назарий асоси матн тарихини ўрганиш билан белгиланди. Зоро, матн тарихи фақат матннинг аслиятини аниқлаш, уни тўғри ўқиш, хаттий, полиграфик хусусиятларини ўрганиш, қўлёзмаларни муқояса қилиш, илмий-танқидий матн яратиш, матнни нашр этиш каби масалалар билангира чекланиб қолмайди. Энг муҳими, бунда матн тарихи бевосита ва билвосита ички ва ташқи маълумотлар асосида ўрганилмоғи жоиз. Бинобарин, Навоий асарларини матний тадқиқ этишнинг оригинал усули инкишофи F. Fулом шоирлик тахайюлотининг кучи ҳамда Шарқ тиллари ва адабиётининг чуқур билимдони эканлиги билан белгиландади.

«Фарҳод ва Ширин» достони Навоийнинг машҳур достонларидан биридир. Улуғ мутафаккир илгари сурган илгор ғоялар бизнинг давримизда янада ўз қадр-қимматини топмоқда. Бироқ уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси Шекспир асарлари матнини ҳозирги инглиз китобхони тўлаттўқис тушуна олмагани сингари ҳозирда Навоий асарлари матнини ҳам маҳсус тайёргарликка эга бўлмаган оддий китобхоннинг ўқиб англаши баъзи бир қийинчиликлар туғдириши табиий. Бунга сабаб, биринчидан, орадаги қарийб олти асрлик давр бўлса, иккинчидан, Навоий асарлари мат-

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

(Мехрибон ва раҳмли Тангрининг номи билан)

I

Руҳ қуши ўз сир-асорорин сўзлашга чоғланар экан, уни, аввало, Тангри таолога ҳамду санолар айтиш билан бошлайди. Чунки Худо ўн саккиз минг олам маҳлуқотларининг бунёдкоридир. У боқий бўлиб, ундан ўзга барча нарсалар фонийдир.

Оллоҳнинг құдратли қалами билан олам аниқ бир тарҳ остида бунёд этилди. У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратиб, унинг сирини англашдан инсон ақл-идрокини қосир этди. Осмонни кеча ва кундуз билан ранг-баранг қилиб, уни қуёшу юлдузлар билан безади. Ойни эса гўё қўқ тирнофига менгзадики, ўша тирноқ кишига мудом янги ойни эслатади. Коинот беихтиёр ҳаракатлана бошлади, Ерга эса унинг қурсоғидан жой берди. Ер юзини ёмғир суви билан ювди, натижада ер чангу губорлардан тозаланди. Гўё дengиз устида тупроғдан кема ясади. Бу кема мувозанатини сақлаб туриш учун тоғларни лангар тарзида яратди. Қуёш ўтидан сув қайнаб кетмасин, деган мақсадда дengиз юзига буғлардан парда тортди. Сувда мавжуд бўлган қурт ва қушлар ғамини ейишда адолат оламини кўрсатди. Найсон ёмғирига катта шараф ато этди, унинг эҳсони туфайли садаф ичида гавҳар ҳосил бўлди. Дурга у жуда катта қиймат билан ривож берди, оқибатда у таҳт аҳлининг тожи учун зебу зийнатга айланди. Ҳамал ойи билан баҳорни бошлаб берди, унинг ўлчовида кеча ва кундуз тенг бўлди. Тонг насимини Исо нафасидек эстриб, боғлардаги барча жонсиз нарсаларга жон бағишлиди. Боғаро хилма-хил раъно чечакларни ёйиб, чаман гўзаликларини жилвалантирди. Елга

ҳузурбахш ҳид ато этди, унинг туфайли дарахтларга қайтадан жон кирди. Тонгни оппоқ ранг билан ёритди, шомни мушкин қора либосга ўради. Қуёшни кундузи порлатиб, ойни кечанинг шамига айлантириди. Агар у қуруқлик юзасида ҳар хил гаройиботларни ёйган бўлса, денгизда эса улар бундан ҳам ортиқроқдир. У даштларда қанча жониворларни яратган бўлса, сувдаги сузувчилари бундан юз баравар кўпдир. Қуюнни дашт аро айлантирган бўлса, сув юзида ҳам гирдобни тўлғантириди. Сувни оловга душман қилиб яратди, шамолни эса тупроққа зид қилди. Яратувчининг құдрати билан ана шу бир-бирига зид тўрт нарса инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлашди. Бутун оламни яратишдан мақсад инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсимот ичида Оллоҳ ўз пайдолигини пинҳон тутди.

Ажойиб инсон жисми маҳфий сир хазинаси сифатида ана шу ганж тилсимини, яъни Оллоҳни сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша хазинада посбонлик қиласи. Эй жон! Сенинг шу асно яратилишингга чексиз офарин! Чунки Парвардигор ўз сирларининг хазинасини намоён қилмоқчи бўлганда, уни на само, на ер қабул қилди. Инсондан ўзга жамики жонлию жонсиз мавжудотлар жаҳолатга ботиб, унинг хитобини англамади ва бу сирни қабул этмади. Бинобарин, инсон бошқа барча нарсалардан мумтоз қилиб яратилди ва «Кунту канзан...»⁸ сиридан хабардор этилди. Одамзот бошига тўғри йўлдан бориш тожи кийдирилди, шараф меъроҗига юксалиш унинг қисмати бўлиб қолди.

⁸ Мен бир маҳфий хазина эдим (Қуръони Каримдаги «Кунти канзан маҳфиян фаҳабату ан уърафа ва халақтул-халқа» – «Мен бир хазина эдим, танилмоқни хоҳлаб қолдим, шунда одамаарни яратдим», оятига ишора).



Бир-икки ой қаттиқ ишладим шоён,
Юқорида қылдым шархини баён.

Кечалар ҳамма ёқ осуда палла,
Файрат қилиб ишлар әдим баралла.

Имкон қадар ёздим достонни пухта,
Нихоят қўярман охирги нуқта.

Ё Раб, лутфинг билан достон яратдим,
Шеърият боғида бўстон яратдим.

Элнинг кўзига ҳам маҳбуб айлагил,
Каттаю кичикка марғуб айлагил.

Мураккаб бўлса ҳам гарчи бу достон,
Кушлар тилин улус англасин осон.

Кимки ҳосил қиласа ундан муддао,
Лутф этиб Фонийни ҳам қилгай дуо.

Унинг ҳам дуосин қилгин мустажоб,
Ўртамиизда асло қолмасин ҳижоб.

Бандалар иши ҳеч бўлмас бехато,
Мен ҳам қилган бўлсам бирон-бир хато,

Ё Раб, лутфинг билан ўзинг афв қилгин,
Барча гуноҳларим ўзинг маҳв қилгин.

Ножӯя сўз айтган бўлсам баногоҳ,
Тавбамни қабул қил ўзинг, ё Оллоҳ!

Адабий-бадиий нашир

АЛИШЕР НАВОЙИ

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ТАБДИЛИ

Муҳаррир
Салоҳиддин АБДУЛХАЙРОВ

Бадиий муҳаррир
Нигора УМАРҚУЛОВА

Мусаҳҳих
Умаржон ҚОДИРОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯҲШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 20.06.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоби 17,0. Шартли босма табоби 28,56.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 10000 (I завод 3000) нусха. Буюртма № 169.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.


Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravodi@mail.ru



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-604-5



9 789943 206045